

Референдум Моро муслмонлари фойдасига ҳал бўлиш арафасида



18:00 / 22.01.2019 2071

Кенг миқёсли мухторият учун олиб борилган узоқ йиллик кураш ниҳоят бугунга келиб Моро муслмонлари фойдасига ҳал бўлиш арафасида турибди. 21 январь куни Филиппин жанубидаги Минданао ороли Котабато шаҳридаги Бангсаморо (Моро) муслмонлари тақдири учун тарихий референдум ўтказилди. Референдум шартига Морога кенг миқёсли мухторият мақоми бериш масаласи киритилган эди. Дастлабки олинган маълумотларга кўра, 80 фоиз сайловчи Моро мухториятини маъқуллаб овоз берган, деб хабар беради haber7.com ахборот сайти.

Моро масаласи анча вақтдан буён Филиппин кун тартибида турар эди. Асосан муслмонлар истиқомат қиладиган Моро вилояти XVI асрнинг биринчи чорагидан бери ўз эркинлигини сақлаб қолиш йўлида курашиб келади. 1898 йилда америкаликлар томонидан босиб олиниб, кейинроқ 1946 йилда Филиппин томонидан қўшиб олинган Моро 2018 йилнинг июлида расмий Манила ҳукумати билан кенг миқёсли мухторият олиш учун референдум ўтказиш ҳақида якуний келишувга эришган эди. Кеча ўтказилган референдум ушбу келишувнинг натижаси ҳисобланади.

Маълумотларга қараганда, референдумда салкам 3 млн сайловчи қатнашган. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, сайловчиларнинг 80 фоизи Моро мухторияти учун розилик билдириб овозини берганлар, расмий маълумот эртага эълон қилинади. Агар референдум натижаларига кўра ҳақиқатдан ҳам Морога мухторият мақоми бериладиган бўлса, 29 йилдан буён мавжуд бўлиб келган Муслмон Минданао мухтор вилояти бекор қилиниб, ўрнига Муслмон Минданаода кенг миқёсли ваколатга эга бўлган Бангсаморо мухтор вилояти номи билан янги маъмурий ҳудуд ташкил этилади.

Islom.uz портали таҳририяти